

"Ўзкимёсаноат" АЖ "Коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими" мавжудлигини тасдиқловчи ҳалқаро ISO 37001:2016 сертификатини яна 1 йил муддатга узайтируди

// 07 dekabr 2022 йил

<https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-aj-korrupsiyaga-qarshi-kurashish-menejment-tizimi-mavjudligini-tasdiqlovchi-xalqaro-iso-37001-2016-sertifikat-muddatini-uzaytirdi>



Жорий йилнинг 5-6 декабрь кунлари ISO 37001:2016 ҳалқаро стандарт талабларига мувофиқ "CERT International" ҳалқаро тренинг компанияси мутахассислари томонидан "Ўзкимёсаноат" АЖнинг коррупцияга қарши курашиш менежмент тизими биринчи кузатув аудитидан муваффақиятли ўтди ва ҳалқаро аудиторлик ва сертификатлаш ташкилоти томонидан коррупцияга қарши курашиш механизми амалда самара бераётганининг асосий кўрсаткичи ҳисобланувчи ISO 37001:2016 ҳалқаро мувофиқлик сертификати муддатини яна 1 йилга узайтируди.

Ушбу ISO 37001:2016 ҳалқаро мувофиқлик сертификати ўз навбатида "Ўзкимёсаноат" АЖ ва унинг ходимларини коррупцияга қарши талаблар ва ахлоқий меъёрларни ҳисобга олган ҳолда ҳар доим ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларини вижданан бажариши, қонун ҳужжатларига қатъий

риоя қилиши, тенг рақобат тамойилларига асосан иш тутиши, ҳалоллик, очиқлик ва вижданлиликнинг корпоратив маданиятини шакллантириш бўйича масъулятини янада оширишга хизмат қиласди.